



MINISTRY  
OF EMPLOYMENT AND LABOR RELATIONS  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



وزارة الموارد البشرية  
والتوظيف  
MINISTRY OF HUMAN RESOURCES  
& EMIRATISATION

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирлиги ҳамда Бирлашган  
Араб Амирликлари Инсон ресурслари ва  
эмиратлаштириш вазирлиги ўртасида ўзаро  
ҳамкорлик протоколини амалга ошириш  
чора-тадбирлари режаси

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда “биринчи Томон” деб аталувчи) ва Бирлашган Араб Амирликлари Инсон ресурслари ва эмиратлаштириш вазирлиги (кейинги ўринларда “иккинчи Томон” деб аталувчи)

икки мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасидаги дўстона ва ҳамкорликка асосланган муносабатларни инobatга олган ҳолда, ҳар икки мамлакатда амалда бўлган қонун-қоидаларга мувофиқ ҳамда 2019 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик протоколи доирасида, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

### **1-модда**

#### **Ҳамкорлик мақсадлари**

Ушбу чора-тадбирлар режасининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Бирлашган Араб Амирликлари меҳнат бозорига Ўзбекистонлик ишчиларни жалб қилиш жараёнини такомиллаштириш.
2. Меҳнат бозорини бошқариш соҳасида таълим ва ривожланиш йўналишларида илғор тажриба ҳамда маълумотлар айирбошлаш.
3. Ўзбекистонлик ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда уларда БААда ишлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнида ҳамкорлик ўрнатиш.
4. Бирлашган Араб Амирликлари иш берувчилари ва хусусий бандлик агентликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хусусий бандлик агентликлари ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширишга кўмаклашиш.

### **2-модда**

#### **Ҳамкорлик соҳалари**

Томонлар ҳамкорликни қуйидаги шаклларда амалга оширадилар:

1. Томонлар ўртасида электрон алоқани ўрнатиш учун лойиҳа ишлаб чиқиш.